

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ BD-5230700-4.04

2012 йил "14" март

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирининг 2012 йил "14"

03 даги 107- сонли буйруғи
билан тасдиқланган



ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим сохалари: 100000 – Гуманитар соха;
200000 – Ижтимоий соха, иқтисод ва ҳуқуқ.

Таълим сохалари: 111000 – Педагогика;
230000 – Иқтисод.

Таълим йўналишлари: 5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши);
5230700 – Банк иши.

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 201__ йил “__” ____даги __ -сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент Молия институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Норқобилов С. – ТМИ, “Банк иши” кафедраси мудирини, и.ф.н. доц.
Кодиров Э.Т. – ТМИ, “Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти, и.ф.н.
Ортиқов У.Д. – ТМИ, “Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси катта ўқитувчиси.

Такризчилар:

Каримов Н.Г. – Тошкент Давлат иқтисодиёт университети “Банк иши” кафедраси мудирини профессор, и.ф.д. (турдош ОТМдан)
Марпатов М.Д. – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи” департаменти директори ўринбосари (кадрлар буюртмачиси)

Фаннинг ўқув дастури Тошкент Молия институти
Илмий-услубий Кенгашида муҳокама этилган ва тавсия қилинган
(2 -сонли баённома, 2011 йил 26 октябрь).

Кириш

Ушбу дастур банк тизими учун иқтисодчи банкирларни тайёрлашда ўқитиладиган махсус фанлардан бири ҳисобланади. Ушбу фан орқали талабалар тижорат банкларида аудит ўтказиш фаолияти билан боғлиқ бўлган барча жаранлар тўғрисида билимга эга бўлади, хусусан, банк аудити ўтказилишини ташкил қилиш, унинг мақсад ва вазифалари, банк аудитини ўтказилишининг юридик асослари ва тартиби, банкларни аудит қиладиган аудиторлик ташкилотларни ва ягона аудиторларни Марказий банк томонидан рўйхатдан ўтказиш тартиби, ёки банкларни текшириш учун ваколат берадиган сертификатлар бериш тартиби, банкларни ташқи аудит ўтказиш жараёни, банкларда ички аудитни ва ички назоратни ташкил қилиш масалалари батафсил ўргатилади.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – мамлакат иқтисодиётининг модернизациялаш шароитида республикамизда банк тизими учун юқори малакали иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашни тақозо этади.

Фаннинг асосий вазифаси – талабаларни банк тизимини барқарор фаолият юритиши учун унинг самарали бошқариш қонуниятлари, банк аудитини сифатли ўтказилиши натижасида банкнинг барча пул ресурсларини барқарор купайиб боришини таъмилашга хизмат қиладиган ҳамда ушбу соҳаларда банк аудити мутахассисларини мустақил ишлашга тайёрлашдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

«Банк аудити» ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- унда банкларда банк аудитининг мазмуни, мақсади ва вазифалари банк аудитининг методи ва турлари, нақд пул ва касса операцияларининг аудити, ҳисоб-китоб операциялари аудити, кредит операцияларини расмийлаштириш ва ҳисобга олиш аудитини *билиши керак*;

- талаба тижорат банклари даромадлари, харажатлари ва фойдаси аудити, дебиторлар, кредиторлар ва қимматли қоғозлар аудити, валюта операциялари аудити, тижорат банкларида асосий воситалар ва кам баҳоли, тез эскирувчи буюмларнинг аудити, аудиторлик рисклари ва аудиторлик хулосалари тўғрисида *кўникмаларга эга бўлиши керак*.

- талаба ички аудитни ташкил этишнинг умумий қоидалари, аудиторлик рисклари, аудит қилишнинг ҳуқуқий асослари, аудиторлик текширувларини ўтказиш тартиби, аудиторлик ташкилотлар ва аудиторларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари тўғрисидаги *малакаларга эга бўлиши керак*.

Шундан келиб чиқиб:

- талабалар фанни ўрганиш даврида ҳар бир ўтиладиган мавзу бўйича ўқитувчи томонидан сўраладиган «таянч» ибора, тест саволларига жавоб бериб, мавзу юзасидан тегишли масалани еча олиши;

- ўқиш даврида ёзма назорат ишларини бажариши ва рефератлар

тайёрлаши;

- фанни ўзлаштириш натижасида ва келажакда талаба банк ва молия фаолиятида бўладиган ўзгаришларни таҳлил қилишни билиши лозим.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

«Банк аудити» фани институтда ўрганиладиган бошқа иқтисодий фанлар билан узвий боғлиқдир. «Банк аудити» фани ўқув режасидаги махсус фанлар, яъни «Банк иши», «Пул мумаласи, кредит ва молия», «Банк статистикаси», «Тижорат банклари фаолиятини таҳлили», «Банкларда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари», «Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника» ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқ.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Ўзбекистон Республикасининг миллий иқтисодиётини самарали бошқаришда ва барқарор ривожланишида банк ва молия тизими уни пул ресурслари билан узликсиз таъминлаб, жуда катта аҳамият касб этади. Шунингдек, тижорат банкларида банк аудитини вужудга келиши, ривожланиш босқичлари, шунингдек, амалдаги қонунлар ва мёърий ҳужжатлар асосида банкларни аудит қиладиган ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш, уларга ва алоҳида олинган аудиторларга банкларни аудит текширишларига рухсат берадиган сертификатлар бериш тартиби, банкларни ташқи аудит ўтказиш жараёни, банкларда ички аудитни ва ички назоратни ташкил қилиш масалалари муҳим аҳамиятига эга.

Ўз навбатида, бизнес ва бошқарув фаолиятида иш юритадиган мутахассисларга алоҳида талаблар қўйилганлиги сабабли, ушбу фан назарий ва амалий фан ҳисобланиб, иқтисодиётимизга малакали кадрларни етказиб беришда муҳим рол ўйнайди.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларига мос равишда илғор педагогик технолгиялардан фойдаланилади.

Талабаларнинг «Банк аудити» фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонвий усулларидан фойдланиш, янги инфорацион-педагогик технолгияларни тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллардан фойдаланилади. Маъруза, амалий ва лаборатория дарсларида мос равишдаги илғор педагогик технолгиялардан фойдаланилади Шунингдек, фанни ўзлаштириш жараёнида компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда банкларни ташқи аудит ўтказиш жараёни, банкларда ички аудитни ва ички назоратни ташкил қилиш масалалари билан боғлиқ компьютер дастурлари билан танишадилар. Фаннинг баъзи мавзуларини ёритишда аудио ва видео техникадан фойдаланилади.

Асосий қисм

Банк аудитининг иқтисодий моҳияти, мақсади ва вазифалари. Ҳалқаро молиявий инқироз шароитида банк аудити олдига қўйиладиган қўшимча вазифалар ва талаблар.

Аудитни ва аудиторлик фаолиятини моҳияти. Молиявий ҳисобот маълумотидан фойдаланувчилар. Аудитни мақсади ва вазифалари. Республикада банк аудити фаолиятини ривожланиши. Ҳалқаро молиявий инқироз шароитида банк аудитининг олдига қўйиладиган қўшимча вазифалар ва талаблар.

Банк аудити ўтказишнинг принциплари, турлари ва аудит этикаси.

Аудиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Аудиторнинг мустақиллиги.

Аудит ўтказишнинг принциплари. Аудитнинг турлари. Аудитга ҳамроҳ бўладиган хизмат турлари. Аудиторнинг этикаси. Аудиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Аудиторларнинг мустақиллиги.

Банк устав фондини шакллантириш билан боғлиқ операцияларини аудитдан ўтказиш тартиби

Банк устав фондини шакллантириш операцияларини мақсади, вазифалари ва аудиторлик текширувининг манбаълари. Банкни қонуний тузилиши ва амал қилишини текшириш. Ноакционер банкларни устав капиталини шакллантириш операциялари аудити. Акционер банкларни устав капиталини шакллантириш операциялари аудити. Акционерлардан сотиб олинган шахсий акцияларни ҳисобини тўғри акс еттирилганлигини текшириш. Тасисчилар билан дивидендларни тўғри ҳисобланганлиги ва тўланганлигини текшириш. Банк устав капиталини ўзгариши бўйича операциялар аудити. Банкнинг резерв фондини ва бошқа фондларини шакллантириш ва ишлатилиши тартиби аудити.

Банкларда касса ва касса операцияларининг аудити

Банк касса операцияларини нормативлар билан тартибга солиниши. Банкларда касса ва касса операциялари аудитини мақсади, вазифалари ва аудит текшируви манбаълари. Бойликларни инвентаризация қилиш, уларни сақлаш ва ҳисобини юритиш тартибини текшириш. Ташкилотлардан банк кассасига наҳд пулни қабул қилиш операцияларини текшириш. Ташкилотларга наҳд пул бирликларини бериш тартибини текшириш. Банк операция кассаси ҳулосасини ва касса ҳужжатларини сақлаш тартибини текшириш. Касса операциясини текшириш бўйича банк ички назорати материалларини таҳлил қилиш.

Банклараро ҳисоб-китоблар ва корреспондентлик муносабатлари операциялари аудити

Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида кредит ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ҳисоб-китоб операцияларини тартибга солиш нормативлари. Ҳисоб-китоб операцияларини мақсади, вазифалари ва аудиторлик текшируви манбаълари. Ташкилотларни ҳисоб рақамини очилиши ва юритилиши тартибига риоя этилганлигини текшириш. Мижознинг ҳисоб рақами бўйича наҳд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширилишини текшириш. Банклараро ҳисоб-китоб операцияларни амалга ошириш тартибига риоя этилганлигини аудитдан

ўтказиш.

Кредит ишларини ташкил қилиш ва самарали кредит менежментини текшириш тартиби.

Кредит ташкилотлари маблағларини жойлаштириш ва улар бўйича фоизлар ҳисоблаш операцияларини Ўзбекистонда тартибга солиниши. Кредитлаш операцияларини мақсади, вазифалари ва аудиторлик текшируви манбаълари. Ҳархил турдаги кредитларни берилиши, қайтарилиши ва ҳисоботларда уларни акс еттирилиши тартиби аудити. Бир марталик ссудаларни аудити. “Овердрафт” туридаги ссуда аудити. Кредит линияси аудити. Вексел кредити аудити. Берилган ссудаларни сифати ва ишончли таъминолтини баҳолаш. Банклараро берилган кредитларни аудити. Жойлаштирилган пул маблағларига ҳисорбланган ва чегириб олинган фоизларни ва уларни ҳисобини тўғри акс еттирилганлигини текшириш. Кредит рискин баҳолаш бўйича банкда қўллананиладиган тартибга риоя қилиб, ссудалар бўйича кўтилаётган йўқотишлар учун резерв шакллантиришни тўғрилиги ва тўлиқлигини текшириш. Банк кредит сиёсатини ва кредит рискларини бошқариш сифатини баҳолаш.

Банкнинг қимматли қоғозлар билан актив операциялари аудити.

Кредит ташкилотларида қимматли қоғозлар билан операцияларни тартибга солиниши. Қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операциялар аудитининг мақсади, вазифалари ва аудит текшируви ўтказилишининг манбаълари. Банкни қарз мажбуриятлари ва акцияларга тиккан қўйилмалари аудити. Дилерлик фаолияти аудити. Брокерлик фаолияти аудити. Вексел операцияларини текшириш. Қимматли қоғозлар таъминоти бўйича резервларни ташкил қилиш ва ишлатилиши тартибини текшириш.

Хорижий валюталарда ўтказиладиган операциялар аудити

Валюта рақамларини тўғри очилиши ва юритилиши текшириш. Хорижий валюталарда операцияларни ўтказиш ва ҳисобини тўғри акс еттириш тартиби. Валюта ҳисоб рақамларини қайта баҳолаш операцияларини ва очиқ валюта позицияларини юритишни текшириш. Банк конверсион операцияларини текшириш. Мижоз топшириқномасига асосан хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш операцияларини текшириш. Мижозларни экспорт ва импорт операцияларини текшириш. Банкни валюта назорати агенти функциясини бажаришини текшириш.

Банкнинг молиявий натижалари: даромадлари, харажатлари, фойдани тақсимлаш ва ишлатилиши операциялари аудити

Банкнинг молиявий натижалари аудитининг мақсади, вазифалари ва аудиторлик текширувининг манбаълари. Келгуси давр даромадлари ва харажатларини текшириш. Ҳисобот даври даромадлари ва харажатларини текшириш. Молиявий натижаларни тўғри шаклланишини, тақсимланишини ва банк фойдасини ишлатилишини текшириш.

Аудиторлик рисклари ва аудиторлик хулосалари. Аудиторларни иш сифатини назорат қилиш.

Аудиторлик рисклари, уларнинг мазмуни, турлари ва суғурталаш тартиби. Аудиторлик хулосаларини белгиланиш мақсади. Аудиторлик хулосаларининг асосий элементлари. Аудиторлик хулосаларининг турлари. Аудитор фикрига ва аудиторлик хулосасига таъсир қилувчи омиллар. Махсус мақсад учун тайёрланайдиган хулосалар. Аудиторлик хулосасини тақдим етилиши.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Амалий машғулотлар мавзулари.

1. Аудит сифатини таъминловчи омиллар;
2. Ташқи аудит стандартлари ва хулосалари;
3. Ички аудит хизматининг ташкилий тузилиши ва фаолияти кўлами;
4. Ташқи аудит хизматининг ташкилий тузилиши ва фаолияти кўлами;
5. Иқтисодий меъёрларга риоя қилинишини аудитдан ўтказиш ;
6. Банкнинг маъмурий бошқарув харажатларини аудитдан ўтказиш;
7. Кредит портфелини аудит қилиш;
8. Жамғарма ишларини аудитдан ўтказиш;
9. Қимматли қоғозлар операциялари аудитдан ўтказиш;
10. Таваккалчиликларни аниқлаш ва аудитдан ўтказиш;

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, ишчи ўйинлар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича талабалар билимларни ўзлаштириш ва мустақамлаш, тарқатма материаллар асосида билимларни ўзлаштириш, илмий мақолалар ва тезислардан фойдаланиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш, қонун, қарор, меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойланиш ва бошқалар тавсия этилади.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим талабалар учун мажбурий ўқув машғулоти ҳисобланади ва режали хусусиятга эга. Мустақил таълимнинг мавзулари талабалар учун мустақил ўрганишлари шарт бўлган маърузалар ва амалий машғулотлардан ташкил топган. У талабаларнинг назарий билимларини мустақамлаш ва кенгайтиришга, ўқитилаётган ва ўтилган мавзуларни кенгроқ ва чуқурроқ ўрганишга ҳамда дунёқарашини янада кенгайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, мустақил таълимга мўлжалланган топшириқлар (мавзулар) маърузалар мавзулари, амалий, битирув малакавий ишларини ёзишга тайёргарлик кўришга қаратилган. Бундан ташқари, талабалар айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштиришлари натижасида, реферат ёки илмий мақолалар тайёрлашлари мумкин, ҳамда илмий амалий

конференцияларда илмий маърузалар қилишлари мумкин.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли бўлиб, кўйидагилар ҳисобланади: маълумотларни жадвалларда акс эттириш, кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш, графикларда акс эттириш, слайдлар кўринишида белгилаш, кўрғазмали курулларда акс эттириш ва бошқалар.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг мазмуни бажариладиган мавзулар бўйича саволномалар тузиш, кўйилган саволларга кенг адабиётлардан фойдаланган ҳолда ёзма тарзда жавоб бериш, қонун, қарор, меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш, ҳар бир мавзу бўйича муаммоли масалаларни ҳал қилиш йўлларини баён қилиш, тавсиялар бериш ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш.

Тавсия этилаётган мустақил таълим мавзулари:

1. Аудиторлик ташкилотлар ва аудиторларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари.
2. Нақд пул ва бойликларни аудит қилиш тартиби.
3. Мижозларга кўрсатилган ҳисоб-китоб операциялари аудитдан ўтказиш тартиблари.
4. Чет эл валютасидаги операциялар ва ҳисоб-китоб шакллари аўдити.
5. Кредит операцияларини расмийлаштириш тартиби, уларни ҳисобга олишнинг аўдити, унинг ўтказилиш тартиби.
6. Муаммоли кредитларни аудит қилишнинг мазмуни ва тартиблари.
7. Факторинг операциялари аўдити, лизинг операциялари аўдити.
8. Даромадларнинг ҳисоби ва бюджет билан боғлиқ муносабатлари аўдити.
9. Харажатлар ҳисоби аўдити.
10. Банк фаолияти, унинг фаолияти ва харажатлари аўдити бўйича аудиторлик хулосалари, уларнинг банк фаолиятини самарали олиб боришдаги аҳамияти.
11. Қимматли қоғозлар билан банк операциялар аудит, унинг мақсади ва вазифалари.
12. Давлат қимматли қоғозлари билан операцияларни текшириш. РЕПО битимларини текшириш.
13. Дебиторлар ва кредиторлар билан аудит қилиш тартиби.
14. Қимматли қоғозлар аўдити.
15. Валюта операциялари аўдити.
16. Тижорат банкларида асосий воситалар ва кам баҳоли, тез эскирувчи буюмларнинг аўдити.
17. Аудиторлик рисклари ва аудиторлик хулосалари.

Дастурнинг информатсион-услугий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий (хусусан, интерфаол) методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация (медиа таълим, амалий дастур пакетлари, презентацион, электрон-дидактик) технологиялари ва замонавий компьютер технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий

1. Аренс А., Лоббек Д. Аудит. Учебник. Пер. с англ. 2007.
2. Норқобилов С., Абдусаломова О. Банк аудити.-ТМИ, Т.: «Маънавият»-2005, 176 б.
3. Макальская А.К. Внутренний аудит. Уч. ДиС. М.: - 2004.
4. Вахрин П.И. Финансовый анализ коммерческих и некоммерческих организациях: Учеб. пособие – М; Издательство – книготорговых центр Маркетинг, 2006
5. Шеремет А.Д. Аудит. Учебник. Инфра-М.: - 2006.
6. Эргашев Х.Х. Учёт денежных средств, расчётных и кредитных операций: Учебно-практи. пособие – М.: Издательство Дом Дашков и.к. 2007
7. Норқобилов С., Ортиқов У. “Банк аудити” маъруза матнлари. Т.: - 2007.

Қўшимча

8. Смулов А. М. Промышленные и банковские фирмы: взаимодействие и кризисные ситуации. 2009. 496 ст. Фи.С,
9. Дмитриева И. Бухгалтерский учет и аудит. ФБК-Пресс. М.: - 2005.
10. Белоглазова Г.Н. Банковское дело, 5-е изд., перераб. и доп. Учебник 2008. 320 ст. Фи.С,
11. Коваленко С.Б. Банковское дело: сборник тестов. Учеб.-метод. Пособие. 2010. 160 ст. Фи.С,
12. Интернет сайтлари:

<http://www.bfa.uz>

<http://www.uba.uz>

<http://www.agrobank.uz>

<http://www.ipotekabank.uz>

<http://www.bankclup.ru>

